



МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ ТИЛИДА АНЪАНАВИЙ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ ВА ЯНГИЧА ТАМОЙИЛЛАР

*Мажитова Сабоҳат Жамиловна,
СамДУ филология фанлари фалсафа доктори*

Таянч сўз ва иборалар: *матн, шеър, газал, луғат, конкорданс, рамз, тимсол, шеърият тили, замонавий технология, маъновий талқин.*

Адабий тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда ўрганиш натижасида олимлар унинг тарихий шаклланиш босқичлари, ривожланиш жараёни, хронологияси, тараққиёт тамойиллари жиҳатидан форс-тожик тилининг генетик асосларини муайян даврларга ва алоҳида зиналарга ажратган. Бу тадқиқотларнинг айримларида ҳолисона ёндашувларга амал қилиниб, соғлом, чуқур ва тўғри тамойил ва руҳият кузатилса, уларнинг баъзиларида даврнинг сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалари таъсир кўрсатгани, бирёқлама қарашнинг устунлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат, айниқса, поэзия тили, луғавий бирликларнинг семантик хусусиятлари ва маъно товланишлари тадқиқи жараёнида, у ёки бу шоир девонидаги кўп қўлланилган сўз ва ибораларнинг таҳлил ва тафсирида, шоир шеърларидаги истилоҳлар маъноларининг энг нозик қирраларини кашф этишда яққол кўринади.

Соҳа тадқиқотчилари бу йўналишдаги бугунги кунгача олиб борилган илмий изланишлардаги жиддий камчиликнинг асосий омилини луғат муаллифларининг сўзга биртомонлама қараганидан деб билган. Яъни шарҳланувчи сўз ва луғавий бирликларни асл манбалар ва илмий-танқидий матндан карточкалар асосида изчил тарзда, тўла-тўқис ўрганмаганликларида намоён бўлади. Зеро, луғавий бирликларни шарҳлаш ва изоҳлаш қўл меҳнати билангина амалга ошириладиган иш эмас. Шунинг учун бугунги кунда бу ишни замонавий технологик воситалар, компьютер ва электрон дастурлар ёрдамида амалга ошириш ва ҳар бир асар асосида маълумотлар базасини яратиш жуда самарали ҳисобланади ва айти

замонда уни амалда татбиқ этиш муҳимроқдир. Бу каби янгича ёндашувлар тадқиқотчиларга тизимли тарзда адибнинг алоҳида асари ёки бутун мероси борасида ўз муносабатини аниқ-равшан ифодалаш имконини беради. Яъни олим ижодкор асарларининг луғавий таркибидаги бадиий тимсоллар ёки сўзларнинг семантик хусусиятларини, ўзига хос маъно товланишларини теран ва атрофлича аниқлаш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир луғавий бирликнинг семантик таҳлили лексикограф томонидан тил тизимида боғлиқ равишда алоҳида бир шоир-ёзувчи ижоди ёки муайян бир давр адиблари ижодиёти асосида уйғунликда ёки бу тизимнинг асосий қисми ўлароқ алоҳида тарзда амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, бундай тадқиқот самарасиз якунланади. Шу боис маъно товланишларини ва ҳар бир луғавий бирликнинг семантик белгиларини очиқ-ойдин ва кенг талқин қилиш учун изланувчи танлаган сўз ишлатилган барча байтлар картотекасини жамлаши керак бўлади. Ёки шоир асарларининг электрон варианты асосида мезон луғати (частота) ёки жомеъ луғати (конкорданс) яратиб, тадқиқот ишини шу типдаги луғатлар негизида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Луғатлардаги яна бир ноқислик сўзларнинг шарҳ этиш услуби ва сўздаги параметрик, горизонтал ва вертикал маънолар силсиласи мавжудлигини инобатга олмасликда намоён бўлади. Луғатлар муаллифи бу борада янгича метод ва услублардан фойдаланишмаган. Ҳар бир луғавий бирлик – лексема ўзининг бош маъноси асосида матнда жузъий, яқка ва ё турғун тарзда шарҳланган, аммо сўзнинг турли маъно товланишлари матн



негизда назарда тутилган бўлиб, уларнинг мажозий маънолари, хусусан, тажнис ва ийҳом типига қўлланилиши, яъни шоир яратган янгидан-янги сўзнинг маънолари ва маъно қирралари шарҳланмаган. Кўпинча сўзлар талқини ва шарҳларида такрорлар ва номутаносиб мисоллар танланиши, мавридсиз ё ноўрин фойдаланиш кўзга ташланади, ибора ва таркиблар шарҳида тизимлилик, узвийлик кўринмайди.

Сўзнинг (дейлик, бир шоирнинг асарларида) асл маъноси ва унинг луғавий маъно гуруҳида тутган ўрнини аниқлаш ва кўрсатиш учун ушбу сўз асл маъносида қай ўринларда қўлланилганини тизимли равишда байтма-байт бир девон ёки барча девонлар доирасида таҳлилга тортиб, ундаги воқеий борлиқ билан боғлиқ, адабий санъатлар воситасида яратилган мажозий ва тор тасаввуф аҳли доирасида қўлланилган рамзий маънолари алоҳида-алоҳида очиб берилиши керак. Гарчи луғавий бирликлар шарҳида улардаги тағмаънолар ҳақида маълумотлар тўла қайд этилмаса-да, лекин луғат тузишда биринчи навбатда шу иш амалга оширилиши лозим. Токи ҳар бир изланувчи керак бўлганда бу карточкалардан (ёки жомеъ ва мезон луғатдан) сўзни шарҳлашда фойдаланиб, топилган маълумотларни луғат муқаддимасида зикр этсин.

Сўзнинг маъно товланишларини ойдинлаштириш учун муаллиф илмий салоҳияти ва ботиний ҳиссиётларигагина таяниб эмас, ягона ва аниқ мақсадли тамойиллар муайян илмий концепциялар, аниқ ва самарали методологиялар асосида ишлаши керак. Яратилган кўпгина луғатларда бу ягона принцип кўзга ташланмайди. Кўпинча муаллиф бошқа луғавий ва мажозий бирликлар қаторида маънодош луғавий бирликларни сўзнинг асл маъносига яқин маъно теграсида шарҳлаганининг гувоҳи бўламиз. Натижада маъно товланишлари ва сўзларнинг семантик хусусияти ёки истилоҳлар ҳақидаги мақолаларда ситуативлик ва статистик, рақамбозлик тамойили биринчи ўринга чиқиб қолади ва

шоир шеърларидаги барча сўз, таркиб ва иборалар, махсус тимсоллар лексик, мажозий, ирфоний, фалсафий, ахлоқий ва диний-ижтимоий маънолари билан бир сатҳда келтирилади.

Ситуатив маъно нишонлари шоирнинг индивидуал маҳорати, адибнинг ўзига хос услуби бўлиб, кўпинча биргина манба доирасида алоҳида бир маъно ва муайян ибора ифодаси сифатида қўлланилади, бироқ бу маъно бошқа ҳолатлар ва мавридларда тил тизимида учрамаслиги мумкин. Бундай луғавий бирликлар одатда шоирларнинг асарларида такрорланиб умумхалқ тили луғавий захирасига киритилади, мажозий маъно таший бошлайди. Бироқ сўзда ситуатив маъно нишонлари намоён бўлса, уларнинг ҳар бири махсус белгилар билан тадқиқот манбаси асосида кўрсатилиши лозим. Гарчи луғатларда сўзлар қаторида устувор от ва феълий иборалар ҳам шарҳланган бўлса-да, уларни таснифлашда муайян тизим кўзга ташланмайди.

Тадқиқотчи А.Куронбековнинг фикрига кўра: “сўзни шарҳлашда луғат тузувчи муайян услуб ва методни танлаб, ўша метод асосида ишни амалга оширилиши лозим. Масалан, “дил” сўзини шарҳлашда семантик структурасига боғлиқ ҳолда ибораларни гуруҳларга тақсимлаб, “дил” сўзининг маъно белгиларини мустақил иборалар ва синтактик иборалар (от, сифат, феъл, равиш) билан биргаликда очиб бериш ва бу ибораларни мисол билан шарҳлаш, уларнинг маъно белгиларини турли мисоллар ёрдамида ойдинлаштиришни бир-биридан ажратиш лозим” [8,102].

Дарҳақиқат, “Тилнинг мазмуний асосини унинг “ёпиқ, бекилган структураси” доирасида кўриш ва турли соҳаларга тақсимлаб танлаш анъанаси ўзини оқламаслиги олдиндан маълум эди. Тақсимотли ёндашув, даставвал, маъно ҳодисасининг ҳаракатдаги ҳолатини, динамикасини йўққа чиқарса, кейинги навбатда, тилнинг ижодкорлик, бунёдкорлик руҳини бўғиб қўяди” [12,17]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда таҳлил этилаётган тимсолни матн ёки матн



контекстидан айро ҳолда эмас, балки айнан матн ва ё нутқ контекстида, матннинг мантикий мазмуни, ижодкорнинг ғоявий мақсадлари билан боғлиқ тарзда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, сўзларнинг маънолар силсиласини ва ё семантик майдонини аниқ белгилаш учун ҳар бир бадиий тимсол ва сўзнинг “лисоний-маъно белгиси”, “тушунчалар калити”, “рамзий алифбо”, “сўзлараро нисбийлик”, “фонетик ифода”, “сўзларнинг қиёми”, “ишоралар олами” каби жиҳатларини эътиборга олиш, ҳар бир сўзнинг лингвопоэтик хусусиятларини синчиклаб тадқиқ этиш зарурияти вужудга келади. Тилшунос Ш.Сафаровнинг таъкидлашича “семантик таҳлилга тортилаётган материал кўлами ҳам тўхтовсиз ўзгариб турибти, у фонематик сатҳ бирликлардан бошланиб то яхлит матнлар ҳудуди, баъзан матнлараро муносабатларни ҳам қамраб олмакда” [12,27]. Мана шунинг ўзи далолат берадики, бадиий тимсолларнинг талқинида маънони алоҳида, турғун-шахсий ҳолатда англаш мутлақо нотўғри йўл. Тилшунос олим Л.Блумфильднинг шундай таъкиди бор: “Ҳар бир лисоний шакл маъносига аниқ илмий тавсиф бериш учун сўзловчи атрофидаги оламнинг барча нарса ҳодисалари ҳақида аниқ илмий маълумотга эга бўлишимиз лозим” [4,142]. Шу билан бирга, ҳар бир лисоний шакл, хусусан, сўз тилимизда меҳнат қуроли сингари бизга кўмакчидир. У ўз елкасида муайян юкни кўтариб, шу орқали одамни ҳодисалар билан таъсирлантиради ёки уларнинг ўй-фикрларини ўзига жалб қилади. Биз эса унинг моҳияти, маъно ва қудрати ҳақида андиша қилишимиз мумкин. Зеро, сўз барча ноаниқликлар ва мавҳумликларни кашф этиш калити, рамз ва муаммолар алифбоси ҳисобланиб, аслида ўзининг ижодий хусусиятларини бадиий адабиётда, хусусан шеърий асарларда сақлайди. Бу муносабат луғавий семантик бирликлар тадқиқи ва сўзлар талқинида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада поэзиянинг ўрни прозага нисбатан устунроқдир. Зеро “поэзияда прозага нисбатан сўзнинг семантик жиҳатдан

фаоллиги, маънолар силсиласини яратишда ўрни бекиёслиги ва имкониятларининг кенглиги намоён бўлади” [13,7].

Тадқиқотчиларнинг бундай мушоҳадаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маъно ўзгаришлари ва унинг тадрижий такомили кўпроқ муайян тарихий босқичнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бурилиш нуқталари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда сўзларнинг луғавий таркибида амалга ошади. Тилшунос Б.Камолиддинов қайд этганидек: “Вақт ўтиши билан сўзларнинг маънолари камаяди ёки аксинча, сўзлар янгидан-янги жилолар пайдо қилади ва янги тушунчаларни ифодалашга ёрдам беради” [6,62]. Шу тариқа, айтиш мумкинки, форс-тожик тили ва адабиёти минг йилдан кўпроқ ривожланиш тарихи давомида турғун ҳолатда “карахт” ва “бўғилиб” қолмади, балки ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт билан уйғунликда ривожланди. Шу боис ҳар бир сўзни матн ичида, образлар тизими билан алоқадорликда таҳлил қилиш лозим. Зеро, шеърий тилда сўзлар кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлса-да, уларни ҳар бир адиб қайси маънода ишлатганини фақат матн ёрдамида аниқлаш мумкин. Чиндан ҳам матн сўз маъноларини изоҳлашда ғоят муҳим роль ўйнайди. Бежиз “матлаб калитини адиб асарларидан изламоқ бадиий асарлар шарҳининг энг яхши усулларида биридир” [10,29], дейилмаган.

Сўзнинг семантик хусусиятларини тушуниш тадқиқотчининг дунёкараши, илмий ва бадиий салоҳиятига боғлиқ. Зеро назм тили афсункор ва сержилодир. Унда шоир ўзининг баён услуби билан боғлиқ ҳолда турли-туман нозик ва айни дамда теран маъноларни ранг-баранг тарзда товлантириши мумкин. Яъни, Ш.Сафаров таъбири билан айтганда: “маъно ҳам мўъжизакорликда қаҳрабодан қолишмайди, унинг ботинида ҳам коинот сирлари, абадийликнинг ажиблиги, минг бир йиллик тажрибанинг иссиқлиги, тафти ётади” [12,7]. Албатта, семантика бобида сўзнинг маъно хусусиятлари, товланиши



ва жилокорлигининг адоғи йўқ, поёнсиздир ва бу маъно денгизи муносиб ғаввосларни ўз қаърига шўнғишга ундайверади. Зеро, шеър айтишдан кўра унинг моҳияти ва рамзларини англаш, маъносига етишиш шу қадар муҳим эканки, буюк шоир буни қуйидагича таърифлаган:

Шеър гуфтан дур суфтан бувад,
Лек фаҳмидан беҳ аз гуфтан бувад.

(Шеър айтмоқ, дурни инга тизмоқдир,

Лек англаш айтишдан афзалроқдир.)

Адабий тилнинг юзага келиши, ёйилиши ва такомиллашуви турли тарихий даврларда турлича кечган. Шу вақтгача яратилган тадқиқотларда Х-ХV асрлар форс-тожик адабий тили ривожланишининг энг бой тарихий даври сифатида таъкидланган. Бизнингча, бундай лексик ва қисман грамматик, стилистик ўзгаришлар, адабий асарлардаги луғавий бирликлар маъно эврилиши нафақат муайян давр ва замон оралиғида, балки алоҳида ижодкорнинг муайян асаридан бошқа яратилажак асарларигача ўзгариши ва янгиланиши мумкин.

Айтиш жоизки, тилшунослик илмида поэзия тилини ўрганиш борасида турли услубларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган ва шу билан бир қаторда Шарқ классик шоирлар шеърияти хусусида ҳам алоҳида луғатлар яратилган. Жумладан, “Фарҳанги ашъори Рўдакӣ” [Душанбе: Маориф, 1990. – 368 с.], “Фарҳанги “Шоҳнома”-и Фирдавсӣ” [Душанбе: Адиб, 1992. – 196 с.], “Фарҳанги осори Ҷомӣ” [Душанбе, 1983.], “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (4 жилд) [Тошкент: Фан, 1983.], “Словарь языка Пушкина” (4 жилд) [Москва: Гос. изд. ин. и нац. словарей, 1956-1957.], “Словарь автобиографической трилогии М. Горького” (6 жилд) [Ленинград: Изд-во Ленинградского ун-та, в 6-и т. 1974-1982.] ва бошқалар. Аммо мазкур луғатларда қўлланилган шарҳлаш услуби сўзларнинг муайян ва алоҳида ўринлардаги маъно белгиларини ифодалашдан иборат, бу услубда, асосан сўзларнинг фақат зоҳирий

маъно қатламлари эътиборга олинган, холос.

Бу луғатларда қўлланилган метод шундай: шоирнинг бир қанча асарлари танлаб олинади, бу асарларда учрайдиган сўзлар юзасидан картотека тузилади ва картотекалар асосида сўзликлар тузилиб, ҳар бир луғат бирлигининг маънолари талқин қилинади. Гарчи бу метод анъанавий луғатчиликка нисбатан олға қўйилган бир қадам саналган ва бу луғатларда шоир ижодида учрайдиган ҳар бир сўзни қамраб олиб уни талқин қилишга интилиш бўлса-да, бу луғатлардаги асосий камчилик бир йўла бир қанча асарнинг луғатини тузишга уриниш; асардаги кўпгина луғат бирликларининг тушиб қолганлиги; луғат бирликларини фақат мавжуд луғатлардан фойдаланиб, шоир индивидуал маъно ихтироларини назардан четда қолишидир. Аммо бугунги кунда бадиий тимсолларнинг матн тилидаги лисоний ўзгариш ва янгиланишларини чуқурроқ ўрганиш, шеъриятнинг лингвопоэтик хусусиятларни аниқлашда янгича қарашлар ва мукаммал илмий нуқтаи назар талаб этилади. Шу боис ХХ асрнинг 90-йиларида илм аҳли томонидан энг етук ва баркамол адибларнинг асарлари ва мумтоз адибларнинг алоҳида китоблари учун жомеъ луғат (конкорданс)лар яратиш ғояси илгари сурилган эди. Конкорданс сўзи латин тилидаги *concordare* сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “мувофиқлаштириш”, “уйғунлаштириш”, “мослаштириш” бўлиб, термин сифатида муайян бир тил матнларидаги луғавий бирликлар, морфемалар, сўз бирикмалари ёки фразеологизмларни муайян ҳажмдаги матн парчалари асосида ёки бирон бир шоир ва ёзувчининг шеърий ва насрий асарлари асосида тузилган сўзлик йиғиндиси ва бу луғавий бирликларнинг қанча марта учраши ва асарнинг қандай синтагматик тизимида келишини ифодалайди.

Конкорданс одатда: а) она тили ва ёки хорижий тилнинг луғат таркибини аниқлаб изоҳли луғатлар тузиш учун; б) чет тилларини ўрганишни енгиллаштириш



максадида; в) муайян адабий ёдгорлик ёки якка муаллифнинг сўз бойлигини аниқлаш ва изоҳли луғатини тузиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун тузилади.

Муайян бир тилнинг луғат бойлигини аниқлаш учун тузилган конкорданс шу тилдаги бадиий, илмий, ўқув-услубий ва соҳавий матнларни тўлиқ электрон базасини яратиш мақсадида тузилади. Лекин бу ишни амалда бажариш имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда шу тилдаги мавжуд ёзма матнлардан мўътабар манбалар танлаб олинади ва электрон базаси яратилади ва унинг асосида конкорданс тузилади.

Шу асосда атоқли шоир ва адибларнинг жомеъ луғатларини таснифлаш ва тайёрлашдан мақсад – энг аввало, шоирнинг фақат ўзигагина хос тил ва услуб хусусиятларини, луғавий таркиб бойлигини, шакл ва мазмун мувофиқлигини аниқлаш ва айтиш пайтда алоҳида миллатнинг бутун луғат бойлигини аниқлаштиришдан иборат.

Гарчи бугун бундай илмий-техник изланишларни амалга ошириш учун янги ва замонавий технологиялар яқин кўмакчимиз бўлаётган бўлса-да, ўтмиш ва яқин-яқинларгача жомеъ луғат тузиш карточкалар (баргалар) ёрдамида амалга оширилар эди. Бунга хусусан, Москвада форс классик шеърят асарлари тилидаги луғавий бирликларнинг семантик структурасини жомеъ тарзда ўрганиб, уни тасниф қилишга киришган шарқшунос олим М.Н.Османовнинг 1970 йили “Частотный словарь Унсури” (Унсурийнинг мезон луғати) [11] номи билан чоп этган китобини мисол келтириш мумкин. Бу китобда муаллиф ўзи тузиб чиққан “мезон луғати” (частотный словарь) ва жомеъ луғати (конкорданс)ни, шунингдек символларнинг маъно структураси бўйича ўтказган тадқиқот натижаларини эълон қилади. Мазкур иш Шарқ луғатшунослигида шеърят тилининг маънолар силсиласини ўрганиш, луғат бирликларини талқин қилиш илмий методини ишлаб чиқишда қўйилган илк кадам эди.

Кейинчалик бу услубда шарқшуносолим М.Имомназаровнинг “Статистико-семантическое исследование лексики поэмы “Ширин и Хосрав” Амира Хосрава Дехлави” [5], Р.Қ.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг “Зулфия поэзияси тилининг луғати” [9] сингари илмий тадқиқотлари эълон қилинди. Айтиш жоизки, луғатшуносликда компьютердан фойдаланиш инқилобий натижалар беради. Бу йўналишда биринчи марта замонавий технологиялар асосида, компьютер воситасида шарқшунос-олим А.Қуронбеков “Статистико – семантический анализ класса имен поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрава Дехлави” [7] ва айтиш пайтда Италияда Даниела Менежини Кореал “Ҳофиз ғазалиётининг жомеъ луғати”ни [14] эълон қилиб, бу манба шеърдаги луғавий бирликларнинг маънолар силсиласини таҳлил қилишда тадқиқотчи катта имконият яратиш беришини исботлади.

Айтиш пайтда илм аҳли Ғарб ва Шарқнинг кўплаб мумтоз адиблари асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнларини тайёрлашга улгурди ва мазкур манбалардан бугунги кунда кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Жумладан, “ОТ-А1-36 Алишер Навоийнинг “Ҳамса” дostonлари асосида частотали луғат тузиш” махсус лойиҳаси устида Тошкент шарқшунослик институти илмий ходимлари ва профессор-ўқитувчилари иш олиб бораётганликларини айтиш жоиз. Ушбу амалиётнинг давоми ўлароқ ўз даврининг адабий ва маданий ҳаёти ривожига улкан ҳисса қўшган Абдурахмон Жомий ғазалиётининг конкорданси [2; 3] шу сатрлар муаллифи томонидан нашр этилди.

Аслида миллий мумтоз адабиёт дурдоналари, хусусан шеърый асарлардаги сўзларнинг маънолар силсиласини кашф этиш, уларни талқин этишда уч компонент, яъни асл-луғавий, мажозий-адабий ва ирфоний-тасаввуфий талқинлар асосида амал қилиш лозим. Аммо сўзларнинг маъно қирраларини очишда барча луғатнавислар ушбу тамойилга амал



килишмаган. Хусусан, мумтоз адабиёт намояндалари асарлари асосида яратилган изохли луғатларда ҳам сўзларнинг таҳлил жараёни, асосан бир томонлама ва айрим ҳолларда икки жиҳатдан, яъни сўзнинг луғавий ва ё мажозий маъно жилоси нуқтаи назаридан талқин қилинган. Ҳолбуки, мумтоз адабиёт намояндалари, мутасаввиф шоирлар ижодиётида сўзнинг ирфоний-тасаввуфий талқини асосий ўринда туради. Собиқ шўролар даврида яратилган луғатларда айнан шу жиҳат инобатга олинмаган. Янгича тамойиллар асосидаги талқинни кўпроқ Эрон олимлари тузган луғатларда кўришимиз мумкин. “Фарҳанги забони тоҷикӣ”, “Фарҳанги ашъори Рӯдакӣ”, “Фарҳанги “Шоҳнома”-и Фирдавсӣ”, “Фарҳанги осори Ҷомӣ”, “Алишер Навоӣ асарлари тилининг изохли луғати” ва бошқаларда ҳам юқоридаги камчиликларни кузатишимиз мумкин. Мазкур луғатлардаги камчилик асосан, маълумотлар ва талқин тарзининг такрорланиши, келтирилган манбаларнинг муайян тамойиллар асосида танланмаганлигида, шарҳларнинг ноқислиги, шарҳлар ва изохларда келтирилган маъноларнинг фақатгина муайян вақтдаги лаҳзавий ҳолатни акс эттира олишидадир. Яъни сўзларнинг луғавий, мажозий, рамзий маъно белгилари динамик-муҳаррик ҳолатда айнан кўрсатилган маънони англатмайди ва ҳатто кўпинча мазкур луғатларда келтирилган сўзлар шарҳларини бошқа шоир ижодиётига худди шу сўз маъноларига татбиқ этиш мумкин эмас. Мазкур луғатлардаги камчиликлар ва уларнинг лисоний ҳамда илмий талабга жавоб бера олмаслиги шарқшунос-олимлар М.Имомназаров ва А.Қуронбековларнинг “дил”, “жон”, “ишқ”, “гул”, “рунд”, “бода”, “соқи”, “ёр” ва бошқа тимсоллар асосида яратган қатор мақолалари ва рисоалари асосида далиллаб берилган. А.Қуронбеков бу ҳақда қўйидагиларни таъкидлаб ўтади: “... кўйилган мақсад мавжуд луғатлар

нуқсонларининг таҳлили эмас, балки классик тилдаги алоҳида бир шеърий матндаги нутқ бирликларининг семантик структурасини изчил таҳлил қилиш, маъно бирликларини чегаралаш ва уларни луғавий ва мажозий маъноларга ажратиб беришдир” [8,102].

XII-XV аср шеъриятида янги жараён юзага келди ва унинг асосий тамойиллари таъсирида илм ва адабиёт аҳлининг атоқли мутафаккирлари сарой муҳити ва бадиҳагўйликни тарк этиб, ҳақиқий санъат ва шеърга қайтди, унга фалсафий-ижтимоий, ахлоқий ва ирфоний қарашларини сингдирди. Хусусан, XV асрнинг иккинчи ярмида ғазал жуда кенг ёйилиб, барча қалам аҳли ана шу жанрда ижод қила бошлаган. Унинг кенг тарқалиши сабаби, асосан шунда эдики, ғазал кўпгина муҳим хусусиятлари туфайли адаб ва завқ аҳлининг турли табақалари талабларига жавоб берарди. Шу боис бу асрда ғазални шеъриятнинг бошқа жанр ва йўналишларига нисбатан юксакка кўтарган шоирлар пайдо бўлди. Жумладан, Жомий шундай таърифлаган:

از فنون شعر فن بهترن آم چون نکورویان کی در صورت
جین واینس [1,42]

(Шеър фанидан энг афзали ғазал келди,

Ул хубрўйлар янглиг, ки эрди гўзал инсу жинсдан.)

Жомийнинг илк девони муқаддимасида ҳам ғазал ҳақида сўз бораркан, шоир шундай ёзади: “Соғлом табъ ва мустағраб зеҳн эгаларига хуш келувчи бу қисм (ғазаллар – С.М.) ғазал услубидир. Уларнинг аксарияти ишқу муҳаббат манзиллари баёни, тавҳид ва маърифат мақомлари ва зикри ҳақида сўзлайди” [1,44].

Яъни классик шеърият намуналарининг маънолар тизими бир неча қатламдан иборат бўлади. Энг устки қатлами одатда воқеликдаги реал муносабатлар, инсоний ҳиссиётлар, ғам-ташвишлар, орзу-умидлар, ўй-хаёлларга асосланади. Айрим тадқиқотчилар асосан мана шу устки қатлам бўйича ҳукм чиқариб, шоир табиий завқу шавқ,



инсоний севги-муҳаббатни ифодалаган, дейиш билан чекланади.

Тўғри, бундай фикрлар ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас, чунки шоир, биринчи навбатда, ўз ижодида ҳаётий воқеалар, ҳиссиётлар, ижтимоий ва маъновий муносабатлар асосида шеър ёзади. Оддий ўқувчи мана шу устки қатлам билан чекланади, ундан нарига ўтолмайди. Зукко ўқувчи эса шеърдаги маъно қатламларини, ундаги яширин теран маъноларни кашф қилишга ҳаракат қилади. Шеърят мухлисларидан бири

Бедилнинг бир байтидан етмиш маъно кашф қилган экан. Туш кўрса Бедил: “Сен етмиш маънони топдинг, аммо мен яширган маънони тополмадинг”, – деган экан.

Шеърятнинг маънолар қатлами кўп. Шоир шеърятида кўп қўлланилган рамзий сўзлар мисолида ҳам уларнинг зоҳирий ҳаётий муносабатларга асосланган маъноларини, ҳам мажозий ботиний ва яширин маъноларини очиб беришга интилиш лозимдир.

Адабиёт:

1. Афсаҳзод А. Ҷомӣ – шоири ғазалсаро. – Душанбе: Маориф, 1989. – 256 с.
2. Абдурахмон Жомийнинг “Фотихат уш-шабоб” девони конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018. – 934 б.
3. Абдурахмон Жомийнинг “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018. – 904 б.
4. Блумфильд Л. Язык. Москва: Прогресс, 1968. – 594 с.
5. Имамназаров М.С. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы “Ширин и Хосрав” Амира Хосрава Дехлави: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1975. – 24 с.
6. Камолиддинов Б. Забон ва услуби Ҳаким Карим. – Душанбе: Ирфон, 1967. – 186 с.
7. Куранбеков А. Статистико – семантический анализ класса имен поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрава Дехлави: Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1988. – 127 с.
8. Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. – Тошкент: Фан, 1994. – 207 б.
9. Қўнғуров Р.Қ., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 273 б.
10. Насриддинов А. Ҷомӣ – шоир ва мутафаккири бузург. – Душанбе: Дониш, 1964. – 60 с.
11. Османов М.Н. Частотный словарь Унсури. – Москва: Наука, 1970. – 325с.
12. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 344 б.
13. Червинский П.Н. Семантика слова в системе стихотворного целого: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ростов-на Дону, 1980. – 23 с.
14. Daniela Meneghini Coreal. The ghazals of Hafiz concordance and vocabulary. Roma, 1988.

Мажитова С. Традиционные методы исследования и современные принципы в языке классической поэзии. В процессе анализа смысловых значений слова или символа лексическую единицу необходимо трактовать не в отдельно взятой ситуации и не вне контекста стиха, наоборот, будет целесообразным истолковывать и трактовать их в контексте стиха, логики содержания и в связи с идейным замыслом автора. В статье предпринята попытка объяснить преимущества изучения поэзии на основе современных технологий. На основе специальной программы он разработал конкорданс и использовалась в качестве основного источника для изучения фонетических, лексических, стилистических, семантических, грамматических особенностей.



Majitova S. Traditional methods of investigation and modern principles in the language of classical poetry. *In the process of analyzing the semantic meanings of a word or character, the lexical unit must be interpreted not in a single situation and not outside the context of the verse; The article attempts to explain the benefits of studying poetry based on modern technologies. On the basis of a special program, he has developed concordance and used as the main source for studying phonetic, lexical, stylistic, semantic, grammatical features.*